

Буюклик вақти



11:46 / 24.04.2025 1666

Инсоният ичидаги энг гўзал ўрناق сифатида саҳобаларнинг энг буюги, умматнинг энг қадрлиси Абу Бакр розияллоҳу анҳуни кўришимиз мумкин. У буюклик билан бошлади, буюклик билан якунлади. Ҳар доим буюкликча қолди. Аллоҳ ундан рози бўлсин. У бу дунёда йигирма беш йил мусулмон бўлиб яшади. У йигирма беш йилини буюкликда ўтказди.

Нафақат у киши, кўзларимизга тўтиё қиладиган яна жуда кўп исмлар борлигига шак-шубҳа йўқ. Улар буюк ишларни амалга оширишди, буюк натижаларга эришишди. Энг буюк ютуқ – Аллоҳнинг ризолигига эришишди. Буюклик уларга уйғун келди, улар буюкликка уйғун келишди. Улар қанчалар бахтлилар, уларнинг изидан боришга интилганлар қанчалар бахтлилар.

Биз Абу Бакр розияллоху анҳудан ўрнак олишда давом этишимиз мумкин; буюкликнинг ва буюклик шижоатининг кишиси сифатида ундан ўтадигани йўқ. Ҳеч ким бўлмаганида ҳам «Мен шу ердан», деб чиқди. Бу буюклик эди. Мол керак бўлганида, қанчалигига қараб ўтирмай молини чиқарди. Бу ҳам бир буюклик эди. Дардга дармон бўладиган одам қидирилганда, у дардга дармон бўлди, том маънодаги буюкликка қўл урди. Ҳамроҳ керак бўлганда, ҳамроҳлик қилди. Йўл ғорга бориб туташганида, у ғорга кирди. Уларни кузатиб келишди, найзаларни кўзининг олдига қўйишди, лекин шунда ҳам орқага чекинмади, таслим бўлмади, ҳолдан тоймади. Ғорда ҳам буюклик у билан бирга эди. Қуръон оятларидан сел бўладиган қалблар изланаётганда ҳам у буюк эди. Аллоҳ ундан рози бўлсин; ҳаётини буюклик билан бошлади, буюкликда яшади ва буюклик билан якунлади. Пайғамбар алайҳиссаломдан кейин у буюк умматнинг энг буюги бўлди.

Буюк ҳаётнинг ичидан қайси қисми олинмасин, ўша бўлак ҳам буюк ҳисобланади. Худди бир неча томчи қон инсон танасида барча қонга далолат қилишига ўхшайди. Ибодат қилаётганида, бир мўмин биродарига ғамхўрлик қилаётганда, оиласи учун вақт ажратганда, дунё неъматларига қарши зуҳди ила олдинги сафга ўтганида доимо буюклик у билан эди. Аллоҳнинг изни билан у буюклик билан бошлаган, буюкликда яшаган ва буюкларга хос ўлим топган киши деб эсланади.

Буюкликлар орасида қайси бири янада буюкроқ эди деган саволнинг жавоби фақат Аллоҳгагина аён. Кимдир унинг ғордаги ҳолатини буюкликнинг энг юқориси деб кўриши мумкин. Бошқа бир мўмин учун эса унинг биринчилардан бўлиб иймон келтиргани буюкликнинг олий намунаси. Ёки мол-дунёсининг инфоқ қилишдаги чексиз саҳийлигини ҳам таъкидлаш мумкин. Буларнинг барчаси бизнинг қарашларимизнинг ҳосиласи. Ҳукми Аллоҳ беради. Биз тахмин қилиш, фикр билдириш имконига эгамиз. Аллоҳ ундан рози бўлсин. Олдимизда турган унинг буюклигини кўрсатувчи ишларни унинг ўзигагина хос бўлган ва бизга таъсир ўтказиб, бугунги кунимизгача давом этаётган амаллар деб икки гуруҳга ажратишимиз мумкин. Гарчи унинг ҳар бир иши бизга таъсир қилиш нуқтаи назаридан бугун ҳам долзарблигини йўқотмаган бўлса-да, биринчи иймон келтириш каби хусусият фақат унинг ўзигагина хос. Ғордаги ҳамроҳлиги у ерда Пайғамбар алайҳиссаломни ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан бизга ҳам тегишли деб билсак-да, барибир бу борада унга етолмаймиз.

Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг буюкликни орасида бир буюк иши борки, бу иш зоҳирий сабаблар жиҳатидан, Аллоҳнинг инояти ила Исломни бугунги кунгача етказиб келди. Эҳтимол, буюклик учун унга бу энг мақбул вақт эди. У эса буюк ишлари билан улғайди ва буюкликни энг юқори даражага кўтарди. Барчамиз яхши таниш бўлган кун – Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг Роббиларига қовушган кунлари Мадинаи мунаввара гўё зулматда қолгандек эди. Ҳаммани ғам-қайғу чулғаб олганди. Ҳатто ўша буюк кишилардан бири бўлмиш Умар розияллоҳу анҳу ҳам ўзини йўқотиб қўйганди. Аллоҳ улардан рози бўлсин. Пайғамбарлари вафот этиши мумкинлигини ақлларига сиғдира олишолмаётган эдилар. Худди осмон билан ер ўртасида қотиб қолгандай эдилар. Бир неча дақиқалик бўлса ҳам Мадинада тартибсизлик юзага келди. Буюк иш учун энг муносиб вақт эди. Яна Абу Бакр розияллоҳу анҳу буюклик билан бошлаб, буюкликда яшаган киши сифатида яна бир буюклик кўрсатди. Ҳар бири Қуръон наслидан бўлган, лекин ўша пайтдаги оғир жудоликдан ўзини йўқотиб қўйган саҳобаларининг ўртасига чиқиб, буюк бир гапни айтди: «Ким Муҳаммадга сиғинаётган бўлса, билсинки, Муҳаммад ўлди. Аллоҳ эса Ҳайй ва Қайюмдир!». Ўша даврда талаб этилган буюклик бу гапни Мадинада юксалтиришдан иборат эди. У эса буни амалга оширди. Ҳамма биладиган ва иймон келтирган бу ҳақиқатни эслатди. Одамлар ақл-ҳушини йиғиб олишди. Исломнинг бешигига шайтоннинг фитна аралаштириш эҳтимоли йўқолди. Бу буюклик эди. Шу билан бирга умматини ҳам юксалтирган буюклик эди. Энг қийин дамларда энг қийин гапни айта олди.

Ундан кейин Пайғамбаримиз алайҳиссалом турганлари етакчилик мақоми бекор қолишига йўл қўймаслик учун қилган ишлари яна бир буюклик эди. Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васалламнинг муборак жанозалари билан умматнинг ўзига бошлиқ тайинлашни танлаш зарурати туғилганда, у яна бир буюкликка қўл уриб, уммат учун раҳбарни тайинлашни биринчи ўринга қўйди. Шундай қилиб, ўша куни бугун яхлит бир уммат бўлишимиз учун олдимиздаги энг катта тўсиқни олиб ташлади.

Орқасидан Аллоҳнинг шариатига қарши кўтарилганларга нисбатан муносабати, унинг машҳур «Мадинада бўрилар парчалаб ташласа ҳам...» деб бошланувчи сабот ва қатъияти бугун биз мевасидан баҳраманд бўлаётган Ислом неъматининг зоҳирий оламдаги сабабларидандир. Аллоҳ уни мана шу буюклик учун танлади. У эса бу буюкликни муносиб амалга оширди. Аллоҳ ундан рози бўлсин.

Бугун ҳам мўминлар учун қанчалаб буюклик вақти ва маконлари келиб кетяпти. Қиёматгача ҳар бир давр ўзининг буюкларини кашф этадиган воқеаларга тўла бўлади. Иймонимизнинг зарурати ва олдимизда муҳташам мисоллари билан буюк бўлиш ва буюк ўлароқ қолиш фурсатларини муносиб қадрлаганимиз даражада буюк бўламиз ёки аксинча оёқлар остида қоламиз. Бутун дунё қалбимизга терс ўлароқ ҳужум қилган бу давр буюк яшаш ва буюк бўлиб қолиш вақтидир. Аллоҳ сиздан рози бўлсин, эй Абу Бакр, қанчалар буюк эдингиз, қанчалар мислсиз буюкликларга қўл урдингиз. Сиз бизга ошиқ бўлдингиз, бизга ўрнак кўрсатдингиз.

Турк тилидан Маҳмуд Маҳкам таржимаси

«Ҳилол» журнали 6(63)-сон

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 24 сентябрдаги 03-07/5797-хулосаси асосида тақдим қилинди.